

“Ўзбек-Холдинг” МЧЖ директори Дадаханов С.М., (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланади) корхона Низоми асосида иш юритувчи бир томондан, ва “Uz-Koram Ko” МЧЖ бош директори Galvez Z.R., корхона Низоми асосида иш юритувчи (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланади) иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. “Буюртмачи” топшириқ қилади, “Ижрочи” ўз зиммасига ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартлар асосида “Буюртмачи”ни бирлашган бошқарув тизимини (кейида матнда ББТ деб аталади) ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартлар мувофиқлик сертификатлаш аудитини ўтказишни URS RUS (Россия) халқаро сертификатлаш органи томонидан ўтказилишини такшил этади..

1.2. Шартномани 1.1., бандида кўрсатилаётган хизматлар 1 чи иловада тасдиқланган Календар режа асосида ижро этилади.

2. ТОМОНЛАР ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. “Ижрочи”ни мажбуриятлари:

2.1.1. Календар режасига асосан “Буюртмачи”ни худудларида ББТ ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 стандартлар талаблари асосан сертификатлаш аудитини ўтказилишини такшил этади.

2.1.2. Сертификатлаш аудити ижобий натижалари асосида “URS RUS” МЧЖ (Россия) корхонаси билан тузилган бош келишуви асосида:

- “Буюртмачи”ни ББТ IAF ва "United Registrar of Systems Ltd." (Британия, Лондон) халқаро сертификатлаш органи сертификатланган корхоналари реестри рўйхатига киритиш;
- “Буюртмачи” томонидан эълон қилган доирага мувофиқ ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартлар сертификатларини рус ва инглиз тилида URS халқаро органи томонидан расмийлаштириб бериш;

2.1.3. Сертификатлаш аудити вақтида олинган маълумоларни махфийлигини сақлаш, ва учинчи тарафларга бермаслик, қонунчиликда белгиланган ҳоллатлар бундан мустасно.

2.2. “Ижрочи”ни ҳуқуқлари:

2.1.1. “Буюртмачи” томонида жорий этилган ББТ ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида зарур бўлган ҳужжатлар билан танишиш.

2.1.2. “Буюртмачи”ни ББТ фаолият доирасида бажарилаётган амалиётларни баҳолаш мақсадида тегишли бўлган барча майдонлари ва объектларига бориш.

2.2. “Буюртмачини” мажбуриятлари:

2.2.1. Шартномада хизматлар қийматини қабул қилиш ва белигиланган тартибда тўлаб бериш.

2.2.2. “Ижрочи”га ББТ ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун барча ҳужжатларни тақдим этиш.

2.2.3. “Ижрочи”ни эксперт аудиторларига корхона вакили билан биргаликда ББТ доирасида фаолият юритаётган барча майдонларга ташриф қилишни таъминлаш, ташриф вақтида аудиторларни бирламчи химоя воситалар билан таъминлаш ва улар учун хавфсиз ишлаш учун шароит яратиш бериш.

2.2.4. “Ижрочи” аудиторларига ишлаш учун хона ва зарур бўлганда алоқа воситалари билан таъминлаш.

2.2.5. “Ижрочи” аудиторларига “Буюртмачи”ни бошқа шаҳарларда жойлашган майдонларига бориш учун транспорт воситалари билан таъминлаш.

2.2.6. “Ижрочи” ББТ сертификатлаш аудити якунида тақдим этган ҳисоботни имзолаш ва бошқарувини таъминлаш.

2.2.7. ББТ ҳужжатларида аниқланган камчиликлар ва текширувда аниқланган номувофиқликларни баргараф этилгани (зарур бўлган ҳолатда) ҳисоботини Календар режасид белгиланган муддат оралиғида “Ижрочи” га тақдим этиш.

2.2.8. “Буюртмачи” ташкилий структурасида, мулкчилик шаклида, юридик ва ҳуқуқий манзиллари ва банк ҳисоб рақамларида ўзгаришлар киритилганда “Ижрочи”ни ўз вақтида хабардор қилиш.

2.2.9. Сертификат билан бирга тақдим этиладиган сертификат логотипидан факат “Логотипдан фойдаланиш қоидалари” асосида эксклюзив ҳолда фойдаланиш..

2.2.10. Аккредитлаш органлари томонидан “Буюртмачи” ББТ аудитини ўтказиш зарурати бўлган ҳолатларда аккредитлаш орган экспертларига корхонага киришига тўсқинлик қилмаслик.

2.3. “Буюртмачи” ҳуқуқлари:

2.3.1. “Ижрочи” аудиторлари фаолиятини назорат қилиш.

2.3.2. ББТ берилган сертификатларни навбатдаги назорат аудит давригача сертификатлаш органи томонидан берилган қоидалар асосида фойдаланиш.

3. ХИЗМАТНИ ИЖРО ЭТИШ ВАКТИ ВА ЖОЙЛАРИ

- 3.1. Шартномани амал қилиш муддати 12.09.2022 й. – 31.12.2025й.
- 3.2. Хизматни амалга ошириш вақти :
 - сертификациялаш аудити 12.09.2022 й. – 31.12.2022й й.
 - 1-чи инспекция назорат аудити 12.09.2023 й. – 31.12.2023й
 - 2-чи инспекция назорати 12.09.2024 й. – 31.12.2024й.
- 3.3. Хизмат кўрсатиш жойи: Андижон вилояти Андижон шаҳар Янги айланма №1.

4. ХИЗМАТЛАР НАРХИ

- 4.1. “Буюртмачи”ни ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартлар талаблари асосида жорий этилган ББТ сертификатлаш аудитини ўтказиш хизматлари учун “Ижрочи”га:
 - сертификациялаш учун энг кам иш ҳаққининг 156 баробари (153,88х300,000) 46.164.000 сўм ККС билан;
 - 1-чи инспекция назорати учун энг кам иш ҳаққининг 84 баробари (84х300.000) ҳозир кунда 25.200.000 сум ККС билан,
 - 2-чи инспекция назорати учун энг кам иш ҳаққининг 84 баробари (84х300.000) ҳозир кунда 25.200.000 сум ККС билан,Жами 96.564.000 (туксон олти миллион етти юз олтимиш тўрт минг) сум ККС билан тўловларини амалга оширилади.
- 4.2. Шартнома уч йил муддатга тузилиши мунособати билан кўрсатилган хизмат тўловлари Ўзбекистон республикасида ҳисобга олинган энг кам иш ҳаққи ҳажмига боғлангич қўйилган. Шунини ҳисобига барча тўловлар учун тақдим этиладиган ҳисоб варақа ва далолатномаларда амалдаги энг кам иш ҳаққи билан боғлиқ болади.
- 4.3. Тўловлар “Буюртмачи” томонидан 100% олдиндан пул ўтказиш усулида амалга оширилади.
- 4.4. Хизматлар бажарилиши вақтида еки тўловлар амалга ошириш вақтида қуйидаги ўзгаришлар содир этилса шартнома нархи ўзгариши мумкин:
 - “Буюртмачи” қарори асосида хизматлар ҳажми ўзгартирилса
 - Ходимлар сони буюртмада кўрсатилгандан кескин ўзгартирилса;
 - Ўзбекистон республикаси солиқ қонунчилигида кескин ўзгаришлар киритилса.
 - Ўзбекистон республикаси энг кам иш ҳаққи миқдорида ўзгаришлар киритилса
- 4.5. Шартнома қийматига “Ижрочи” томонидан шартномада белгиланган барча ишларни бажарилиши киритилган, аудиторларни аудит вақтида меҳмонхона тўловларидан ташқари. Аудиторларни меҳмонхонада яшаган вақт тўловларини “Буюртмачи” ўзи амалга оширади.

5. ИШЛАРНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ.

- 5.1. Ишлар якунида “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”га 1-чи илова “Қалендар режа”да кўрсатилган тўплам ҳужжатлар тақдим этилади.
- 5.2. “Ижрочи” ишларни якуний бажарилганидан сўнг “Буюртмачи”га электрон ҳисоб фактура ва бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатномасини электрон ҳолатда имзолаш учун “my.soliq.uz” электрон платформа орқали юборади.
- 5.3. “Ижрочи” томонидан юборилган электрон ҳисоб фактура ва бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатномасини “Буюртмачи” томонидан 3 иш қунида имзолаб тасдиқлаб бериши ёки асосланган езма ҳолда рад жавобини бериши шарт. Охириги ҳолат юзага келганда томонлар ўзаро келушувга келиши шарт.
- 5.4. Юборилган электрон ҳисоб фактура ва бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатнома сини “Буюртмачи” томонидан имзоланмасдан ва тасдиқлаб берилмаган ҳолатларда, бажарилган ишлар 10 кундан сўнг юборилган электрон ҳисоб фактура ва бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатномасини “Буюртмачи” томонидан тўла қабул қилинган ҳисобланади.

6. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. Ўзбекистон Республикаси 29.08.1998 й. “Хўжалик субъектлари фаолиятида шартномавий ҳуқуқий мажбуриятлари” белгиланган Қонун талаблари асосида ушбу шартномани талаблари бузилса жавобгарликга тортилади
- 6.2. Шартнома шартларини таъминлаш тарафлари таъминлайди, қонунда белгиланган талаблар бундан мустасно.

7. ФОРС-МАЖОР.

- 7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўла еки қисман бажарилишига табиат ҳодисалари ва бошқа енгич бўлмас ҳодисалар юзага келса ва бу ҳолатлар натижаси шартномани ижросига таъсир

килган ҳолатларда томонлар мажбуриятлар бажарилишидан озод қилиниши қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга ошади.

8. НИЗОЛАРНИ ЕЧИШ, ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ .

- 8.1. Ушбу шартнома юзасидан ҳосил бўлган барча низоли масалалар дўстона тарзда ечимига келишади.
- 8.2. Келишмовчиликлар дўстона музокаралар билан ечими бўлмаган ҳолатларда, даъвогар манзилидаги Ўзбекистон республикаси иқтисодий судларида кўриб чиқилади.
- 8.3. Шартномага томонлар келушувига асосан ўзгартириш киритиш мумкин. Кирилган ўзгартиришлар эзма ҳужжатлар асосида амалга оширилади.
- 8.4. Томонлар келишувига асосан еки бир томон шартнома шартларини бажарилишин инкор қилган ҳолда шартнома бекор қилиниши мумкин.
- 8.5. Сертификатлаш аудити натижалари асосида “Буюртмачи”ни ББТ қўшимча текшириш ўтказилиш зарурати пайдо бўлганда, бундай текширувлар ушбу шартномага тузилган қўшимча келишув ва алоҳида белгиланган нархларда амалга оширилади.

9. БОШКА ШАРТЛАР.

- 9.1. Шартнома имзолангандан сўнг қучга қиради ва банк операцияларни бажаришга асос бўлади.
- 9.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб иккала нусха юридик жихатда бир хил қучга эга.

ТОМОНЛАР ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ. БУЮРТМАЧИ:

Андижон вилояти Андижон шаҳар
Янги айланма №1
тел./факс: (998 71) 120-40-00
Банк реквизитлари:
Хр 2020 8000 1005 1638 9001
АТБ “Хамкорбанк” Андижон филиали
МФО 00083
СТИР 200 908 912 ОКЭД 29320

ИЖРОЧИ:

Андижон вилояти, Андижон шаҳар,
А. Темур шох кўча 13 А
тел.: (998 91) 499-20-05
Банк реквизитлари:
р/счот 2020 8000 8005 4995 8001
“Invest finance bank” Андижон вилоят филиали
МФО 01114
СТИР 201 0405 85 ОКЭД 70220

ИМЗОЛАР:

“Uz-Koram Ko” МЧЖ
Директори



“Ўзбек-Холдинг” МЧЖ
Директори



КАЛЕНДАР РЕЖА

Хизматлар таркиби	Якуний ҳужжат		Муддат:
	«Ижрочи»	«Буюртмачи»	
ББТ сертификатлаш 1. "Буюртмачи"ни ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартлар талаби асосида ББТ текшириш. 2. Тўғриловчи аммаларни самарадорлигини таҳлил қилиш. 3. Раҳбарият учун "Буюртмачи"ни ББТ сертификатларни бериш учун тавсиялар тайёрлаш. 4. "URS RUS" МЧЖ (Россия) сертификатлаш органи раҳбарияти томонидан сертификатлаш аудитини натижаларини кўриб чиқиш ва "Буюртмачи" ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартларига сертификатларни беришга қарор қабул қилишда қатнашиш	Текшириш хисоботи Қабул қилинган қарорда хабардор қилиш. Топшириш қабул қилиш далолатномаси	Номувофиклик бартараф Хисоботи. Топшириш қабул қилиш далолатномаси	1 hafta
1. "Буюртмачи" ББТ нисбатан ижобий қарор қабул қилинганда уни реестрда IAF ва URS халқаро органлар рўйхатдан ўтказиш. 2. "Буюртмачи" ББТ ISO 14001:2015 ва ISO 45001:2018 халқаро стандартлар бўйича сертификатларни бериш	Мувофиклик сертификатлари(и) жобий қарор қабул қилинганда).		2 hafta

ИМЗОЛАР

БУЮРТМАЧИ:

"Uz-Koram Ko" МЧЖ

Директори

Galvez Z.R.

ИЖРОЧИ:

"Ўзбек-Холдинг" МЧЖ

Директори

Дадаханов С.М



Шартнома имзоланишига даҳлдор бўлим	Харид хизмати бошлиғи	Бош директорнинг биринчи ўринбосари	Бош ҳисобчи	Молиявий менежер
1	2	3	4	5
Сифат назорати ва кафолати бошқармаси бошлиғи	Бош директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари	Юрисконсулт	Ички аудитор	
6	7	8	9	